

ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ ПРАГМА-КОГНИТИВ ТАДҚИҚИДА КОНЦЕПТУАЛ ПАРАДИГМАНИНГ ЎРНИ

Хамидова Гулчехра Позилжоновна

Андижон давлат университети

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада когнитив тилшунослик ва лингвокультурологиянинг асосий ҳолатлари, фраземаларнинг лингвокультурологик хусусиятлари ҳақида сўз юритилган.

***Калит сўзлар:** фразема, лингвокультурология, маданият, когнитив тилшунослик.*

THE ROLE OF THE CONCEPTUAL PARADIGM IN THE PRAGMA- COGNITIVE STUDY OF LANGUAGE UNITS

ABSTRACT

This article talks about the main cases of cognitive linguistics and linguocultural studies, and the linguocultural characteristics of idioms.

***Keywords:** phraseme, linguoculturology, culture, cognitive linguistics.*

КИРИШ

Маълумки, ҳар бир даврда ўз ривожланиш жараёнига кўра тилшунослик ва унинг турли соҳалари тараққий этган. Жумладан, XVIII асрда асосан қардош тиллар орасида қиёсий тарихий қарашлар мавжуд бўлган бўлса, ўтган асрда ҳукмрон бўлган структурал парадигманинг ўрнини антропоцентрик, функционал, когнитив ва динамик парадигмалар мажмуи эгаллади. Антропоцентрик парадигмада бу изланувчи қизиқишларининг англаш объектларидан субъектга ўтиш, бошқача қилиб айтганда инсондаги тил ва тилдаги инсон таҳлили тушунилади. Замонавий тилшуносликнинг антропоцентрик парадигмасида қатор йўналишлар тараққий этмоқда, улардан когнитив тилшунослик ва лингвокультурология бугунги кунда энг долзарб йўналишлар ҳисобланади. Когнитив тилшунослик тилни трансформацияланишида ва кодлаштирилишида когнитив механизм сифатида уни ўрганади. Бу тилшуносликнинг мақсади қабул қилиш жараёнини қай тарзда пайдо бўлиши, категорияланиши, таснифланиши ва дунёни ўз нуқтаи назаридан тушунишни ўз ичига олади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Илмий парадигма тушунчаси. Тилшунослик тарихидаги парадигмалар силжиши. Қиёсий-тарихий парадигма, унинг ривожланиш тарихи ва хусусиятлари ҳамда тилшунослик фанига қўшган хиссаси. Структурализм парадигмаси, унинг ривожланиш тарихи ва хусусиятлари. Структурализм парадигмасининг тилшунослик фани ривожланишида эгаллаган ўрни. Антропоцентрик парадигма ва унинг хусусиятлари. Антропоцентрик парадигманинг замонавий тилшуносликда эгаллаган ўрни ва хусусиятлари. Когнитив семантика ва унинг тадқиқот объекти.

Семантик фрейм тушунчаси. Ч.Филлмор концепцияси. Фрейм структураси. Концептуал макон (домейн) тушунчаси ва унинг турлари. Когнитив стилистика. Когнитив грамматика. Когнитив семантика ва унинг тадқиқот объекти. Когнитив грамматика ва унинг тадқиқот объекти. Когнитив лингвистикадаги турли назариялар ва ёндашувлар. Когнитив стилистика ва унинг тадқиқот объекти. Когнитив услуб. Стилистик воситаларнинг когнитив моҳияти. Концепт тушунчаси. Концепт – концептуал ва тафаккур бирлиги сифатида. Концептптни тадқиқ этишда лингвокогнитив ва лингвокультурологик ёндашувлар. Концепт ва маъно. Концепт ва тушунча. Когнитив лингвистикада маъно интерпретацияси. Концептлар ва уларни таснифлаш принциплари. Концепт билимлар тузилмаси сифатида. Концепт структураси.

Когниция тушунчаси. Оламни когнитив идрок этиш масаласи. Концептуаллаштириш (онгда концептлар хосил қилиш) тушунчаси. Концептуал тузилмалар ва концептуал система тушунчалари. Категория ва категориялаштириш тушунчаси. Категориялаштириш когнитив фаолият сифатида. Категориялаштириш ва иделлашган когнитив моделлар. “Оилавий мутаносиблик” концепцияси. Э.Рошнинг прототиплар назарияси. Концептуал ва лисоний дунё тасвири тушунчалари ва уларнинг ўзаро муносабатлари.

Когнитив метафора категориялаштиришни амалга оширувчи когнитив фаолият сифатида. Дж.Лакофф ва М.Джонсоннинг концепцияси. Когнитив метафоранинг универсал характери. Когнитив метафора тафаккур бирлиги сифатида. Когнитив метафорани ўрганишда турли ёндашувлар. Когнитив метафоранинг тилда акс этилиши. Когнитив метафоранинг турлари. Структуравий метафора ва унинг хусусиятлари. Онтологик метафора. Контейнер метафора. Ўзатувчи метафора ва унинг хусусиятлари. Концептуал интеграция назарияси. концептуал интеграция назариясининг шаклланиши.

Концептуал интеграция назариясини амалга ошириш механизми. Бленд тушунчаси. Инпут тушунчаси. Кросс-домейн тушунчаси.

“Когнитив фан” термини ўз ичига жараёнларни биргаликда ўрганиш, уларни қабул қилиб қайта ишлаш, сақлаш ва фойдаланиш, билимлар структурасини ташкил қилиб жамлаш, қолаверса, ушбу структураларни инсон мия фаолиятида шакллантириш учун бирлашган маълум илмий қарашлар мажмуини ташкил қилади. Когнитив фан математика, мантиқ, фалсафа, антропология ва тилшунослик билан узвий боғлиқдир. Шунга кўра антропоцентрик парадигманинг юқорида санаб ўтилган икки йўналишларига “тил ва инсон” диадаси хосдир. Қолаверса, “концепт” ва “дунё тасвири” атамалари тилшуносликнинг ушбу йўналишларида алоҳида тушунча ва аҳамиятга эга.

Когнитив тилшуносликда концепт орқали хотиранинг оператив таркибий бирлиги, ментал лексикон, концептуал системалар ва мия тили, инсон тушунчасида акс этган дунёнинг барча тасвири тушунилади. Когнитив тилшунослик нуқтаи назарида концептлар онгда мужассамлашган, ҳамда инсон фикрлаши жараёнида онгида ҳосил бўладиган мураккаб бирликлардир. Бошқача қилиб айтганда, концептлар инсон билимини сақловчи бирликлар сифатида акс этади. Когнитив тилшуносликда концептлар дунё ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган концептуал системаларнинг тил ифодаси орқали намоён бўладиган бирликлардир.

Шу тариқа когнитив тилшуносликда “тил ва инсон” диадаси “тил–инсон–онг” триадасига ўзгаради. Мисол тариқасида когнитив нуқтаи назардан “севги” концепти қисқача таҳлил қилинадиган бўлса, юқорида келтирилган изоҳларга асосан когнитив тилшуносликда у асосан фреймларга бўлиниб ўрганилиши мумкин. Масалан, севгини ижобий ва салбий туйғу сифатида иккига бўлиб изоҳлаш мумкин: Бу орқали инсон онгида бу туйғу турлича талқин қилиниши ва у тил орқали турли лексик бирликлар билан ифодаланиши мумкин.

Лингвокультурологияда ҳам когнитив тилшуносликдаги каби концептуал тадқиқотлар муҳим ўрин эгаллайди. Когнитив тилшуносликнинг тадқиқот предмети бўлмиш когнитив концептдан фарқли ўлароқ лингвокультурологиянинг тадқиқот предмети бу маданий концептдир. Лингвокультурологияда концепт “маданий-онгли-лисоний” ифода тарзида англашилади. Маданий концепт кўп қиррали ментал ифода ҳисобланади.

Миллий-маданий хусусият тушунчаси. Миллий-маданий хусусиятга эга тил бирликлар. Лингвокультурема тушунчаси. Лингвокультурема ўз ичига шакл ва маънони олувчи сатхлараро бирлик сифатида. Лингвокультурема маданий бирлик сифатида. Лингвокультурема турли тил шакллари орқали ифода этилиши.

Дунё тасвири турли фанларда турлича шаклланган бўлади. Замоनावий тилшуносликда эса бу атама “дунёнинг лисоний тасвири” деб юритилади ва у орқали тилда акс этган дунё ҳақидаги билимлар тўплами тушунилади. Когнитив тилшунослик билан боғлиқ бўлган тадқиқотларда дунёнинг лисоний тасвири билан дунёнинг концептуал тасвирини фарқлаш муҳим ҳисобланади. Дунёнинг концептуал тасвири дунёнинг лисоний тасвирига нисбатан кенгроқ ва бойроқ концептлар мажмуига эгадир. Лингвокультурологияда тилда мураккаб қадриятларни ўрганиш билан бирга дунёнинг маданий тасвирини кўриб чиқиш талаб қилинади. Дунёнинг маданий тасвирини ўрганишда лингвокультурологиянинг мутахассислари (Теребихин Н.М., Топорова В.Н., Гачев Г.Д.) қатор ҳолатларни келтирадилар: тилда дунёнинг маданий тасвири ўз ичига умуминсоний ва уларнинг

- ўзига хос хусусиятларини қабул қилади. дунёнинг маданий тасвирида тилда сақланувчи ва қўлланилувчи

- маданиятга хос бўлган маънолар, маданий-қадриятли доминантлар, маданиятнинг маълум турларини ҳосил қилувчи тушунчалар мавжуд бўлади. дунёнинг маданий тасвири бир тил маданияти қолипида ягона

- тасаввурни ифодаламайди, чунки турли миллат вакиллари турли қадриятларга эга бўлиши мумкин. дунёнинг маданий тасвири нафақат индивидуал балки жамоавий онгда мавжуд бўлади .

Шу тариқа лингвокультурология дунёнинг умумий тасвиридаги қолипида дунёнинг маданий тасвирини тил нуқтаи назаридан ажратишни кўрсатади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, когнитив тилшунослик ва лингвокультурология асосида ҳам қатор йўналишлар ривож топмоқда. Масалан, ўтган асрнинг охириги ўн йиллигида когнитив тилшунослик ва политологиянинг асосида сиёсий мураккаб мулоқот бирликлар мужассамлашган дискурсни ўрганадиган сиёсий тилшунослик йўналиши вужудга келди. Шу вақтнинг ўзида лингвокультурологияда ҳам фалсафий ном билан қадриятларни ўрганувчи аксиологик тилшунослик янги йўналиши равнақ топди.

Амалий машғулотларда талабалар замоनावий лингвистика фани бўйича маърузада олган билим ва кўникмаларини ушбу фандаги турли тамойилларни

амалий масалалар, амалий машқлар, тақдимотлар, гуруҳ музокаралари орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича тақдимотлар, баҳс-мунозаралар, гуруҳ музокаралар ўтказиш ва бошқалар тавсия этилади. Коммуникатив стратегиялар ва тактикалар.

Нутқий актнинг прагматик хусусиятлари. Мулоқотнинг турлари. Коммуникатив актни тушуниш ва жоида қўллаш. Нутқий актнинг эффективлиги. Коммуникатив барьер тушунчаси. Коммуникатив барьерни енгиш тактикалари. Вербал мулоқот ва новербал мулоқот хусусиятлари. Нутқий акт назариясининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи. Дж. Остин ва Дж. Серльларнинг лингвопрагматика фанининг ривожланишига қўшган ҳиссаси. Нутқий акт тушунчаси. Нутқий актни ҳосил қилувчи таркибий қисмлари. Нутқий акт турлари. Локутив, иллокутив, перлокутив актлар. Перформатив нутқий актлар. Нутқий стереотип. Коммуникатив актнинг прагматик эффективлиги.

-қиёсий-чоғиштира – бу метод лисоний бирликларнинг фарқли ва ўхшашлик тарафларини аниқлашга йўналтирилган;

-компонент таҳлил – ушбу метод ўрганилаётган лингвомаданий бирликларнинг лексик сатҳда вербаллашувидаги парадигматик ва синтагматик алоқаларини аниқлашга қаратилган;

-кросс-маданий таҳлил методи турли тиллардаги лисоний бирликларнинг миллий-маданий хусусиятларини аниқлашга қаратилган;

-тавсифий-аналитик - бу метод кузатиш, таққослаш ва умулаштиришни ўз ичига олади ҳамда далилий материалларни йиғади ва уларнинг классификацияси билан шуғулланади;

-тадқиқ этилаётган тил бирликлари семантикасини ўрганишга қаратилган семантик таҳлил методи.

Лингвокультурема турлари ва уларнинг хусусиятлари. Реалия тушунчаси ва унинг турлари. Фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари. Мақолларнинг миллий-маданий хусусиятлари. Стилистик воситаларнинг миллий-маданий хусусиятлари. Афоризмлар миллий дунёни акс этувчи тил бирликлари сифатида. Лингвокультуремаларнинг қиёсий тадқиқи. Сўз прагматикаси. Сўз маъносидаги индексал белгиларининг таҳлили. Мурожаатнинг прагматик моҳияти ва хусусиятлари. Интонациянинг 11

прагматик жиҳати. Грамматик тил бирликларининг прагматик жиҳати. Синтаксис прагматикаси. Дейктик белгиларининг прагматик моҳияти ва таҳлили. Тил бирликларининг лингвопрагматика жиҳатлари ва уларнинг таҳлили.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 46 б.
7. Ashurova D.U., Galieva M.R. Stylistics of Literary Text.
8. Болдырев Н. Н. Когнитивная семантика. – Тамбов: Изд-во ТГУ им. Г. Р. Державина, 2001.
9. Грайс Г.П. Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16. Лингвистическая прагматика. –М.: Прогресс, 1985.
10. Кубрякова Е.С. Типы языковых значений. Семантика производного слова. М., Наука, 1981
11. Дейк Т. А. ван. Язык. Познание. Коммуникация. Пер. с англ./Под ред. В.И. Герасимова. – М.: Прогресс, 1989.
12. Демьянков, В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода. www.infolex.ru
13. Карасик В. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. –М.: Гнозис, 2004

-
14. Колшанский Г.В. Объективная картина мира в познании и языке. – М.: Наука, 1990
 15. Ковшова М.Л. Лингвокультурологический метод во фразеологии. Коды культуры. М., 2013
 16. Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем/Под ред. А.Н. Баранова. –М.: Издательство ЛКИ, 2008.
 17. Матвеева Г.Г., Ленец А.В., Петрова Е.И. Основы прагмалингвистики. М.: Флинта, Наука, 2013.